

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Ташқи ишлар бўйича комиссия девонхонаси раҳбари Ян Цзечи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитойни дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари яқиндан боғлаб турганини қайд этди.

Мамлакатларимиз етакчиларининг мунтазам учрашувлари икки томонлама ҳамкорликни амалга оширилмоқда. Маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ортмоқда. Хитойнинг илғор компаниялари ва молиявий институтлари иштирокида Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Оқори мартабали муҳом Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик изҳор қилиб, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Президенти номига йўллаган шахсий мактубини топширди. Ушбу мактубда кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликда юксак даражага

эришилгани катта мамнуният билан қайд этилган ҳамда янги турдаги коронавирус тарқалишига қарши курашда кўрсатилаётган кўмак учун миннатдорлик билдирилган.

Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон – Хитой шериклигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда энергетика, нефть-газ, кимё, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳамда инфратузилмани модернизация қилиш бўйича устувор лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давом эттириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ШХТ ва бошқа тузилмалар доирасидаги конструктив мулоқотни мустақамлаш, шунингдек, «Бир макон, бир йўл» ташаббусини илгари суриш доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

## МАКТАБ ТАЪЛИМИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР ЎРГАНИЛДИ, УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни халқ таълими тизимидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ мамлакатда кадрлар муаммоси мавжудлиги, барча соҳаларга ислохотлар суръатига мос замонавий мутахассислар зарурлиги ҳақида айтган эди. Шу мақсадда бутун таълим тизими тубдан такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатимизда таълим ривожлантирилаётгани мактаб сабоқларига пухта замин бўлмоқда. Умумий ўрта таълим сифати илғор халқро тажриба ва замон талаблари асосида юксалтирилмоқда.

Сўнги уч йилда мамлакатимизда 160 дан ортиқ умумтаълим мактаби қурилди. Бундан ташқари, Президент мактаблари, буюк алломаларимиз номи билан аталадиган ихтисослаштирилган мактаблар, ижод мактаблари, Темурубеклар мактаблари каби замонавий ва инновацион таълим масканлари ташкил этилди. Шунингдек, охириги 3 йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди. Узоқ ҳудудларга бориб ишлайдиган педагоглар меҳнатини қўшимча рағбатлантириш жорий этилди.

2019 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий мактаб» ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2021 йилгача мактабларнинг камида 3 фоизи, 2025 йилгача 20 фоизи, 2030 йилга қадар эса 50 фоизини «Замона-

вий мактаб» ларга айлантиришнинг асосий параметрлари белгиланди.

Буларнинг барчаси ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кенг қамровли ислохотларнинг илк bosқичи эди.

Президентимиз шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкларини ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарурлигини таъкидлади. Мактаблар моддий-техник таъминотини яхшилаш, ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш бўйича вазифаларни белгилаб берди.

Йиғилишда янги турдаги мактабларни барпо этиш, аввалгиларини bosқичма-bosқич замон талабларига мослаштириш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳозирги кунда 9 минг 942 та мактабнинг 2 минг 835 таси таъмирталаб. 5 минг 861 тасида ўқувчилар сони сифимига нисбатан кўплиги сабабли дарслар 2 сменада ўтилмоқда. Жорий йилда 36 та янги мактаб қурилиб, 211 тасининг капитал таъмирланиши белгиланган. (Давоми 2-бетда)

## БУГУНГИ СОНДА:



Ташқи реклама тартибга келтирилади

2



Объектлар қурилиши бўйича тендер эълонлари

4-10



Қурилиш соҳасида янги компанияга асос солинди

11

## Соҳа ривожига хизмат қилувчи кўргазма

Газетамизнинг аввалги сонида Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида «Uzbuild Tashkent – 2020» ва «Build Tech – 2020» халқаро кўргазмаларида инновацион композит ва полимер қурилиш материаллари, энг янги қурилиш технологиялари, машина ва дастгоҳлар кўргазмаси бошлангани ҳақида хабар берган эдик.

4 кун давом этган кўргазма Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ва «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

«Uzbuild Tashkent – 2020» кўргазмаси сўнги вақтлардаги энг йирик ва мазмунан бой кўргазмалардан бири бўлди. Унинг стендлари «Ўзэкспомарказ» МКМнинг бирваракай тўртта павильонини эгаллади, шунингдек, очик осмон остидаги катта кўргазма майдонида жойлаштирилди.

(Давоми 2-бетда)



## Талабалар билан учрашув

Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Қурилиш факультетининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси В. Муратқабиллов, қўмита аъзолари ва депутатлар Н. Жумаев, Қ. Эргашев, Д. Хамзаев, Ф. Зайниев, Н. Аминов, А. Темиров, Б. Мардаевлар иштирокида талабалар билан учрашув ўтказилди.

Учрашувни институт ректори Р. Ҳақимов кириш сўзи билан очиб, муҳтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан 2019 йил 27 декабрь куни Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш бо-

расидаги долзарб вазифалар юзасидан видеоселектор тарзида ўтказилган учрашувда ёшлар билан ишлаш борасидаги муҳим вазифалар ҳамда Президентнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йил-

да ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифаларнинг институт профессор-ўқитувчилари, ходимлар ва талабалар томонидан чуқур ўрганилгани, айниқса бугунги кунда ёшларга кенг имкониятлар очилгани, ёшларнинг илм-фанга бўлган қизиқишларини янада рағбатлантириш ва уларнинг илмий соҳада эришяётган ютуқларини янада тарғиб этиш мақсадида институтда бир қанча ишлар амалга оширилаётгани, жумладан, бугунги кунда архитектура ва қурилиш соҳасига оид талаба-ёшларнинг StartUP лойиҳалари юзасидан тақдиротлари қизгин ва юқори савияда олиб борилаётгани тўғрисида маълумот берилди.

(Давоми 3-бетда)

## МАКТАБ ТАЪЛИМИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР ЎРГАНИЛДИ, УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қурилиш вазирлигига мактабларни замонавий архитектура ечимлари асосида, энергия тежовчи ва илғор технологияларни қўллаган ҳолда барпо этиш вазифаси топширилди.

Маълумки, лабораториядаги амалий машғулотлар таълим сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Машғулотда олинган билимнинг самараси бир неча қарра юқори бўлади. Лекин бугун мактаблардаги 683 та физика, 897 та кимё, 901 та биология хонасида ўқув лабораториялари йўқ, 7 минг 807 та физика, 7 минг 776 та кимё ва 7 минг 770 та биология хонасининг жиҳозлари эскирган. 62 мингта синф хонаси замонавий ва янги ўқув жиҳозлари билан таъминланмаган, 7 мингта компьютер етишмайди. Шунинг учун мактаблардаги лабораторияларни замонавий жиҳозлаш ва улардаги дарслар кўламини ошириш талаб этилади.

Халқ таълими ва Молия вазирликларига амалдаги жиҳозлаш ҳолатини танқидий ўрганиб, мактабларни замонавий лаборатория, компьютер техникаси, спорт анжумлари ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозлаш бўйича топшириқ берилди. Аниқ фанларни ўқитишда амалий кўникмаларни шакллантириш ҳамда интерактив машғулотларга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ўртимизда математика, кимё, физика ва биология дарсларининг 10 фоизини

на амалий машғулотларга ажратилган. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 30-50 фоизни ташкил этади. Шу боис, Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ўқув дастурларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, аниқ фанларда амалий машғулотлар кўламини ошириш вазифаси қўйилди.

Йўналишда педагог кадрлар билими ва малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йили аттестацияда иштирок этган қарийб 57 минг ўқитувчидан 43 фоизи паст баҳо олгани, мамлакат бўйича муаллимларнинг аттестация натижаларидаги ўртача кўрсаткичи 100 баллик баҳолаш тизимида 64 баллини ташкил қилгани айтиб ўтилди.

Педагоглар малакасини ошириш тизimini такомиллаштириш, методик таъминотни янгилаш ва улардаги кўрсаткичлар берилди.

Болаларни ёшлигидан маънан ва жисмонан етук шахс этиб тарбиялаш мақсадида мактабларни бадий адабиётлар билан таъминлаш, айниқса, бошланғич синфларда мусиқа, тасвирий санъат ва жисмоний тарбия машғулотларига янги мазмун бериш муҳимлиги таъкидланди.

Йўналишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Ў.А.

## Ташқи реклама тартибга келтирилади

«Тараққиёт стратегияси» марказида Адлия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида «Қонунчиликдаги янгиликлар» номи остида брифинг ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги «Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти бўйича атрафлича тушунча берилди.



Тадбирда Адлия, Қурилиш вазирликлари мутасаддилари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Қурилиш бош бошқармаси «Архитектура режалаштириш бюроси» ДУК мутахассислари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок эттиди.

Республикамизнинг ташқи қиёфасини янада кўрамайлантириш, жумладан ташқи реклама бозорини тартибга солиш, бу борада тадбиркорларга қулай шарт-шароитларни ва бу орқали аҳолига ҳам қўлайликларни яратиш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори бугунги кунда ғоятда долзарблиги билан эътиборга моликдир.

Қарорга мувофиқ, ер участкаларидаги ташқи реклама объектлари учун 10 йил муддатга, давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардаги ташқи реклама объектлари учун 5 йил муддатга ДХМлар орқали реклама жойлари паспортларини бериш бир марталик йўғим суммасини тўлаш орқали амалга оширилади, – дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги Қурилиш бош бошқармаси «Архитектура режалаштириш бюроси» ДУК мутахассиси Шухрат Илёсов. – Эндиликда ер участкасига ўрнатилган видео экранли ташқи реклама объектлари учун кўрсатилган муддат кўшимча 10 йил муддатга узайтирилади.

Брифингда маълум қилинганидек, ҳозирга қадар қонуний ўрнатилган ташқи реклама объектларини мазкур қарор

талабларига мослаштириш мақсадида 6 ой муддат берилди. Ушбу муддатда мослаштирилмаган реклама объектлари эгалари томонидан ихтиёрий равишда ўз кучи билан олиб ташланади, акс ҳолда бу иш суд тартибда амалга оширилади.

– 2020 йил 1 мартдан бошлаб Тошкент шаҳрида ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятнинг алоҳида тартиби жорий қилинади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги мутахассиси Жаҳонгир Анваров. – Бунда, ташқи реклама объектларини ер участкаларида жойлаштириш ҳуқуқи («E-IRO AUKSION» орқали) фақат юқори технологияли ташқи реклама объектларига берилади. Қарор билан ташқи реклама объектларини ўрнатиш таъқиқланган ҳудудлар белгиланган. Жумладан, тротуар ва пиёдалар йўлакларига ташқи реклама объектларини ўрнатиш таъқиқланади. Шунингдек, ташқи реклама объектларини қуриш тартиби, қуриш учун бериладиган ер, бино ва иншоотлар рўйхатини шакллантириш, қуриш ҳуқуқини электрон аукцион орқали бериш тартиби тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Тадбирда иштирок этган ОАВ вакиллари соҳа мутахассисларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан муножозат этилди.

Ўз мухбиримиз.

## Соҳа ривожига хизмат қилувчи кўرғазма

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўрғазма ташкилотчиси томонидан берилган маълумотга кўра, бу йилги кўрғазмада жаҳоннинг йирик компания ва брендларининг иштироки жуда фаол бўлди. Дунёнинг 25 мамлакатидан, жумладан Австрия, АҚШ, БАА, Германия, Грузия, Дания, Испания, Италия, Корея Республикаси, Лихтенштейн, Озарбайжон, Польша, Португалия, Россия, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, Украина, Финляндия, Хитой, Швейцария, Юнонистон, Қозоғистон, Ҳиндистоннинг 400 дан ортиқ фирма ва компаниялари қатнашдилар.

– Бизнинг корхона полимер маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бугунги кунда Ўзбекистондаги металл маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кўрғазма билан ўрнатган узвий ҳамкорлик алоқаларимиз самарасида корхонамизнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам ортиб борапти. Аънанавий тарзда ўтказиб келинган кўрғазмада фаол иштирок этамиз. Таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунда мамлакатингизда қурилиш бозори тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Барпо этилаётган замонавий бино ва иншоотлар, турли ижтимоий объектларнинг ҳисобига айнан қурилиш молларига эҳтиёж ҳам ортиб бораётгани рост гап. Ўзбекистоннинг қурилиш бозорини чуқур ўрганган ҳолда бизнинг корхонамиз ҳам сифатли ва чидамли полимер маҳсулотларини ишлаб чиқариб, харидорларга тақдим этади. Умид қиламанки, мазкур кўрғазмадан сўнг икки мамлакат ўртасидаги алоқаларимиз янада раванк топади, – дейди россиялик тадбиркор Никита Павлов.

Эътиборли жиҳати ушбу нуфузли халқаро анжуманининг географияси тобора ортиб бормоқда. Бу йил яна 175та компания биринчи мартаба иштирок этиш истагини билдирган ва уларнинг 134 таси халқаро, 25 таси эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилардир. Европа мамлакатлари кўрғазмада етакчилик қилди. Боиси, экспозициянинг асосий майдонини Германия Федератив Республикасининг 30 га яқин компанияси эгаллади. Германиялик ишлаб чиқарувчиларнинг кенг турдаги усуналар, технологиялар, қурилиш маҳсулотлари ва бутловчи қисмлари кўрғазмага ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўрғазмада ўз хусусиятлари бўйича аънанавий қурилиш материалларига нисбатан кўпроқ афзалликларга эга бўлган инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи юзлаб компаниялар ўз маҳсулотларини тақдим этмоқда. Шиша композитли арматура ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Universal FRP systems» МЧЖ ана шуларнинг биридир.

– Йилдан-йилга металл нархи ортиб бормоқда, шунинг учун қурилиш баҳоси ҳам кўтарилапти, – дейди «Universal FRP systems» МЧЖ тижорат директори Қахрамон Нишоннов. – Биз ишлаб чиқарадиган шиша композитли арматура аънанавий металл арматуранинг муқобили бўлиб, унинг асосий рақиб ҳисобланади. Бизнинг шиша композитли арматураси металл арматурага нисбатан арзон, мустаҳкам ва ўн баробар енгил бўлиб, бу анча енгил ва мустаҳкам бетон конструкциялар яратиш имконини беради. У таранг пластик материал ҳисобланади, шунинг учун қўзилганда ва сиқилганда металл арматурага нисбатан 2,5 баробар чидамлилик хусусиятига эга. Шунингдек, унга занг ва коррозия таъсир кўрсата олмайди. Биз 2014 йилдан буён фаолият юритиб келмоқдамиз. Заводимиз Тошкент шаҳрининг Яш-



нбод туманида жойлашган. Унинг ишлаб чиқариш қувватлари бир суткада 40 минг погон метр арматура ва 3 минг квадрат метр композит сетка чиқариш имконига эга.

Халқаро қурилиш кўрғазмаси йилдан йилга кенгайиб бораётгани кўзонарли ҳол. Зеро, бунёдкорлик ишлари мамлакатимизда ҳам изчил суръатларда давом этаётганини кенг намоиш этишда ушбу тадбирнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бугун қурилиш бозорининг асосий

очиқ осмон остидаги кўрғазма майдонидан ўнлаб пўлат гигантлар жойлаштирилган, уларнинг ҳар бири қурилиш ишларининг алоҳида тури учун мўлжалланган.

– Бетон насосларимиз баланд иншоотларни қуришда бетонни узатиш ишлари учун қўлланади. Улар 70 метргача баландликка бетон узатиб бериш қувватига эга. Шунинг учун улардан «Тошкент-Сити»даги баланд бинолар қурилишида фойдаланилмоқда, – деди

нинг деформацияланган чокларини герметизациялашнинг замонавий тизимлари, қурилиш соҳасида BIM технологиялар (биноларнинг моделини ахборот орқали тузиш) каби муҳим мавзулар ўрганилди.

– Компаниямиз тахталанган металлни совуқ буқиш пресси ва тахталанган материаллар билан ишлаш учун зарур бошқа асбоб-усуналар ишлаб чиқаради, – дейди Германиянинг «Schechtl» компанияси сотувлар бўйича директори Кристоф Жейкобс. – Бугунги кунда Ўзбекистонда 15 га яқин миқозимиз бор, улар усунунамизни тўғридан-тўғри Германиядан буюртма орқали олади. Умид қиламанки, ушбу тадбир бизга янги миқозлар, шериклар ва дистрибуторларни топишга имкон беради.

Маҳаллий корхоналар вакиллари ҳам Ўзбекистон бозоридagi ўз иш тажрибаси билан ўртоқлашди.

– 2013 йилдан буён лифт ишлаб чиқарамиз, – дейди «Toshafus lift» корхонаси бош директорининг ўринбосари Муҳиддинбек Нёзимбетов. – Тошкент шаҳар ҳокимиятининг буюртмаси асосида пойтахт бўйича кўп қаватли уйлардаги эскирган лифтверларни алмаштиришимиз ва модернизация қиламиз. Айни пайтда заводимизда 150 га яқин киши меҳнат қилади, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари эса йилга икки мингдан ортиқ лифтлар ишлаб чиқариш имконини беради. Биз лифтларни монтаж қилиш ва тузатиш билан шуғулланувчи юқори малакали мутахассислар жамоасини ҳам ташкил қилганмиз. Маҳсулотимиз юқори сифатли бўлгани учун йирик давлат лойиҳаларида қатнашамиз. Хусусан, Тошкентнинг Сергели туманида барпо этилаётган кўп қаватли уйларга 350 та янги лифт ўрнатдик. Экспорт фаолиятимиз ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Агар илгари лифтларимизни фақат Афғонистон ва Тожикистонга етказиб берган бўлсак, ҳозир уларни Қозоғистон ва Қирғизистонга ҳам экспорт қилиш бўйича музокара олим бораётишимиз.

Анжуманда нафақат ўз соҳасининг етакчилари, балки энди биринчи миқозлар ва шерикларни излай бошлаган қўшни давлатларнинг компания ва заводлари вакиллари ҳам иштирок этишди.

– Чорқирра тошлар, гишт ва блоklar ишлаб чиқарамиз, – дейди Туркменистоннинг «Dauletti Davop» корхонаси сотувлар бўйича бўлими директори Дамир Шокиров. – Биз фойдаланаётган замонавий технологиялар мустаҳкам, ташқи кўришни жозибабли бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон бормоқда. Бугунги тадбирда Ўзбекистонда биринчи шериклар топиши режалаштирганмиз.

Ўлкамизга баҳорнинг ташрифи юртимиздаги қурилиш ва бунёдкорликлар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мавсумига ҳам дебеча бўлди. Қурилиш соҳасидаги янгиликлар, инновацион ёндошувлар, жаҳон тажрибаси, илғор ечимлар ва соҳага татбиқ этилаётган рақамли технологиялар буларнинг барчаси кўрғазмада қамраб олиниши баробарида, у маҳаллий ва хорижий ишбилармонларни бир майдонда жам бўлиб, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкониятини яратиб берди.

Дилшод ЖАЛОЛОВ,  
Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,  
«O'zbekiston bunyodkori»  
maxsus мухбирлари.



омиллари нималардан иборат, миқозларнинг эҳтиёжлари қандай, қайси турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқдаки, улар қанчалар энергия тежамкор, иқтисодий жиҳатдан самарадор, ишлаб чиқарувчига фойда, даромад келтиради? Буларнинг барчасига айнан мана шу кўрғазма майдонларида гувоҳ бўлиш мумкин.

Аlsys aluminium & plastic systems компанияси 2006 йилдан бери Ўзбекистон аҳолисини, алюмин ва ПВХ профиллар, алюмин радиатор, икки чиқиқли иситиш тизимлари билан таъминлаб келади, – дейди компания раҳбари Нодир Ақбаров. – Афғонистон, Туркия, Россия, Тожикистон, Туркменистон каби мамлакатларга ўз маҳсулотларимизни экспорт қилишга ҳам эришганмиз. Йилига 8 минг тоннага яқин алюмин профилларни ишлаб чиқариш қувватига эга компаниямиз бугунги кунда табиий хом ашёдан тортиб истеъмолчининг талаб ва истақларига мувофиқ, ром, ойналар, иситтичларни турлича кўриниш ва катталикларда тайёрлаб бермоқда. Алюминий радиаторларни ишлаб чиқаришни жорий йилда 8 бараварга оширишни мўлжаллаганмиз. Ҳозирда корхонада 500 нафар ишчи ходимлар фаолият юритаётган бўлса, янги асбоб-усуналар келтирилиши ҳисобига ПВХ профилларини ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириб, яна 100 та иш ўрни ташкил қилиш мақсадидамиз.

«Ўзэкспомарказ» МКМнинг Жанубий Кореянинг «KCP Heavy Industries» заводининг Марказий Осиё давлатларидаги ваколатхонаси раҳбари Инара Абдулова.

Италия меъморчилик ва қурилиш технологиялари тараққий этган етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. У ерда инновацион ва аънанавий қурилиш материаллари керакли юқори тоқли усуналар ишлаб чиқарилади. Бу йил «Uzbuild Tashkent – 2020» кўрғазмасига Италия компания ва корпорациялари вакилларида иборат делегация ташриф буюрган.

– Бизнинг фирмамиз тошларга ишлов беришга ихтисослашган ва бу соҳада етакчи корхоналардан ҳисобланади, – дейди «Breton» компанияси экспорт савдо бўйича менежери Сергей Дорожки. – Дунёда кварц асосида ишлаб чиқариладиган барча агломератлар бизнинг усуналаримиз ёрдамида яратилди. Биз тош блоklarига ишлов берувчи дастгоҳлардан тортиб, то пардоз плиталари ва мебель ишлаб чиқаришга бўлган усуналарнинг бутун линиясини яратамиз. Яқиндагина биз ўзбек ишлаб чиқарувчиларига асбоб-усуналаримиз билан тўлиқ жиҳозланган иккита заводни сотдик.

Кўрғазмалари доирасида II Қурилиш саноати халқаро анжумани ҳам бўлиб ўтди.


Унда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо, Қурилиш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ITE Uzbekistan» халқаро кўрғазмалар компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимияти вакиллари ҳамда дунёнинг 25 мамлакатидан қурилиш усуналари, материаллари ва техникалари ишлаб чиқарувчи компанияларнинг мутахассислари иштирок этишди.

Анжуман доирасида тўртта техник ва битта ялли сессия ўтказилиб, унда иштирокчиларга қурилиш саноатини ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш имкони берилди. Ўзбекистон қурилиш саноатини ривожлантиришнинг глобал трендлари, шахар-созлик санъати, ноёб бинолар ва иншоотлар қуришнинг ўзига хос хусусиятлари, туннель ва бетон йўллар-



Аҳолининг узоғини яқин, оғирини энгил қилиш мақсадида фаолият юритаётган ДХА ва унинг ҳудудий марказлари сони тобора ортмоқда. Навбатдаги кўркам, ҳар томонлама қулай бўлган Давлат хизматлари маркази Қарши шаҳри аҳолисига ўз эшикларини очди.

## Қарши шаҳрида янги ДХМ фойдаланишга топширилди



Заҳматқаш бунёдкорларимиз томонидан замонавий талабаларга мос равишда ва энг муҳими аҳолига жуда ҳам қулай тарзда қурилган мазкур иншоотнинг очилиш маросими ҳақиқий тантананага айланиб кетди. Байрамона очилиш маросимида Қашқадарё вилояти ҳокими Зоир Мирзаев, Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Улугбек Муҳаммадиев ва Давлат хизматлари агентлиги директори Халилullo Тоҳиржонев, марказ ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этишди.

Бугунги кунда аҳолига кенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор қулайликларга эга бўлган мана шу каби замонавий ДХМнинг босқичма-босқич фойдаланишга топширилаётгани гоятда қувонарли ҳолат, – дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими бошлиғи Севара Зокирова. – Мазкур Марказ республика миқёсида энг йирикларидан бўлиб, унинг ички ва ташқи манзараларида замонавий архитектура уюмлари ҳамда миллий-гигиеник санъат даражасида уйғунлаштирилган.

Марказнинг кираверишида замонавий хизмат кўрсатиш хоналари,

кутиш заллари, она ва бола хонаси, банк молия муассасаларининг филиаллари хуллас, барчаси аҳоли учун муҳайё этилган. Эътиборли жиҳати, марказда 48 та хизмат кўрсатиш ойнаси, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш доираси ва махсус инфокиосклар, электрон аукционда иштирок этиш учун хона, электрон навбат тизими, инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлар билан бизнес-учрашувларни ўтказишга мўлжалланган хона, анжуман ва семинарлар учун конференц зал, кутубхона ҳамда болалар майдончаси ҳам жой олган.

Авалги эски бинода аҳолига ҳеч қандай шароити йўқ икки хонада хизмат кўрсатиларди, – дейди ДХАнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа шўъбаси мутахассиси Моҳидил Равшанова. – 1 880 квадрат метр майдонда қад

кўтарган кўркам бинода барча зарур шарт-шароитлар ва хизматларнинг ташкил этилгани аҳоли учун бир қатор қулайликларни яратмоқда. Энг эътиборлиси, авваллари Қарши шаҳри аҳолиси айрим ҳужжатларни расмийлаштириш учун вилоят марказига боришлари тўғрисида келарди. Ҳозирда эса уларнинг бу юмушлари ҳам тез ва осонлик билан амалга оширилиши имконияти яратиб берилди. Марказда 48 нафар малакали операторлар аҳолига 140 га яқин хизмат турларини кўрсатмоқдалар. Келгусида хизмат турлари ва янги иш ўринларини янада кенгайтириш мақсад қилинган. Энг муҳими, бу ердаги хизматлар шаффоф, тезкорлик билан кўрсатилади, аҳолининг турли тўловларини амалга ошириш учун эса банк шохобчалари ташкил қилинган.

Ўз муҳбиримиз.

## Талабалар билан учрашув

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатлар томонидан муҳтарам Юртбошимиз томонидан оқилона ва узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсатдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларини инновацион ривожланиш даражасини ошириш, келажакда мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 млрд долларга етказиш ҳамда 2030 йилда рақамли иқтисодиётга эришиш каби устувор вазифа ва йўналишлар юзасидан алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Учрашувда депутат Д. Ҳамзаев сўзга чиқиб, Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаган, қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айлангани, шунингдек, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳамда ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга сид меъёр ва қоидаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш каби масалалар юзасидан тўхталиб ўтди. Бундан ташқари, янги таҳрирда Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси тайёрлангани ва ҳозирги кунда қизгин муҳокамаси кетаётгани тўғрисида ахборот берди. Шу билан бирга, институт профессор-ўқитувчилари ва талабаларини мазкур лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлидларини тўғридан-тўғри кўмита сайтига юбориш мумкинлигини маълум қилди.

Депутатлар ўз чиқишларида бугунги кунда Юртбошимиз раҳномалигида талаба-ёшларга кенг имкониятлар

берилгани, уларнинг ўз устида тинимсиз изланишда бўлиши, янги ғоя, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида аниқ лойиҳа-тақлифларга эга ёшларни қўллаб-қувватлаш, бизнес-лойиҳаларни амалиётга жорий этишлари юзасидан имтиёзли кредитларнинг берилиши ва талаба-ёшларни ривожланган чет эл давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртурларига ўқишга юбориш ва тажриба алмашиш каби масалалар юзасидан талабаларга тушунарли тарзда фикр ҳамда тегишли тақлиф ва тавсияларни бериши.

Айниқса, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, илм-фан ва таълим соҳасини ривожлантириш борасида бўлаётган кенг қамровли ислоҳотлар, Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та ташаббусда белгиланган вазифалар, хусусан китобхонликни кенг тарғиб этиш, дунёда таниқли олим ва ёзувчиларнинг илмий-оммабоп, айниқса буюк алломаларимиз асарларини кунт билан ўрганиш, уларда тарғиб этилган ўзбек халқига хос урф-одат, одоб-ахлоқ, илм-фан, таълим, маънавий-маърифий ва ахлоқий-тарбиявий масалалар мазмун-моҳиятини янада тереңроқ ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири экани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда талабалар ўзларини қизиқтирган турли соҳадаги саволларига батафсил жавоблар олишди.

Исломбек ДАВЛЕТОВ,  
Тошкент архитектура-қурилиш институти  
Қурилишда менежмент кафедраси муdiri,  
и.ф.н., проф.  
Ойбек МАМАНАЗАРОВ,  
Қурилиш бошқаруш факультети декани  
и.ф.н., доц.

## Аёллар учун қўшалок байрам

Тошкент шаҳар Хотин-қизлар тадбиркорлик марказида шу йилнинг феврал ойида марказнинг қисқа курсларида таҳсил олган хотин-қизларга сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

## Состоялась встреча с представителями МГСУ

Тадбирда Тошкент шаҳар Савдо-сотиқ палатаси вакиллари, «Йил аёли» конкурси ғолиби Шоира Жабборова, ётачки тадбиркорлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Ушбу марказ Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4235 сонли қарорига асосан ўтган йил Мустақиллик байрами арафасида ташкил этилган.

Марказда Тошкент шаҳрининг 11 туманидан ташриф буюрадиган хотин-қизлар қисқа курсларда ўқитилиб, қизиққан соҳалари бўйича тадбиркорлик йўналишида таълим олишади. Ҳозирда бу ерда 10дан ортик фаолият турлари бўйича мутахассислар фаолият кўрсатишмоқда. Булар заргарлик, пазандачилик, IT технологияси, компьютер мутахассиси, меҳмонхона, мактабга таълим муассасалари йўналишлари ва ҳоказо. Марказда янги билим олган ва интилувчан хотин-қизларга сертификат билан биргаликда имтиёзли кредит олишлари учун тавсияномалар берилди. Бундан ташқари, Тадбиркорлик маркази Тошкент шаҳри Бандлик хизматлари билан Меморандум имзолаган бўлиб, ушбу шартнома асосида хотин-қизларга ўз мутахассисликлари бўйича қисқача таълим кўрсатилади. Марказ келажакда коллеж ва лицейларга сайёр дарслар ташкил этишни режалаштирган.

– Мақсадимиз юртимиз аёлларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятда ўз ўрнинларига эга бўлишларида маслақдош бўлиш, – деди марказ раҳбари Вазира Йулдошева. – Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, марказда ўқиш мутлақо bep. Бундан ташқари, ўз фаолиятларини бошлаган тадбиркор аёллар бу ерга келиб ўзларини қизиқтирган савол ва муаммолар бўйича маслаҳат ва йўл-йўриқлар олишлари мумкин.

Райҳон ТАНИҚУЛОВА.

В Ташкентском архитектурно-строительном институте прошла встреча с участием лауреата премий Совета Министров СССР и правительства РФ в области науки и техники, председателя Российской гипсовой ассоциации, доктора технических наук, профессора кафедры «Технология вяжущих веществ и бетонов» ФБГОУ ВПО «Московского государственного строительного университета» Александром Бурьяновым и директора по региональным продажам ООО «Полипласт Новомосковск» Александром Гаврилкиным.

## Состоялась встреча с представителями МГСУ

Студенты, магистранты, докторанты и преподаватели кафедры «Технология строительных материалов, изделий и конструкций» стали участниками открытых лекций на тему «Повышение эффективности производства и применения гипсовых материалов и изделий», «Современные модифицирующие добавки для производства бетона и железобетона». Данные лекции вызвали особый интерес и дискуссию у слушателей. В частности, была проведена параллель в организации развития инновационных технологий между ТАСИ и Московским Государственным строительным университетом.

По итогам встречи было заключено соглашение между ТАСИ и МГСУ о стратегическом партнерстве. Стороны надеются, что данное соглашение укрепит и расширит учебное, научное и культурное сотрудничество, внедрит в жизнь инновационные результаты исследований и разработок.

Также между ВУЗами будет вестись экспертно-аналитическая деятельность, повысится мобильность научных и образовательных процессов. Планируются проводить совместные научные исследования и разрабатывать образовательные программы, обмен молодыми учеными и др.

У. ЮСУПОВ,  
доцент кафедры «Здания и сооружения» ТАСИ.

## Жиззахда «Баҳор таровати» фестивали

Жиззах вилоятида ёшлар ташаббуси билан барча шаҳар ва туманларда «Баҳор таровати» фестивали ўтказилди. «Ҳар бир ёшга ўн ниҳол» шиори остида ташкил этилган тадбирда аҳолининг барча тоифалари катта иштиёқ билан қатнашди.

Пахтакор туманидаги Олтинқул маҳалласи фестивалнинг энг қизгин жойи бўлди. Боиси ўтган йили янги барпо этилган массивда бу йил кўкамзорлаштириш ишларига навбат келди.

Кўкларнинг биринчи кунда ўтказилган фестивалда асосий эътибор қишлоқ маданиятини оширишни тарғиб қилиш, кўкамзорлаштириш ишларига қаратилди. Шу мақсадда фестиваль доирасида «Ҳар бир ёшга бир туп ниҳол» акцияси ташкил этилиб, кўча ва ҳовлиларга, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳудудларига дархат кўчатлари экилди.

Шунингдек, фестиваль доирасида халқимизнинг қадимий ва умрбоқий анъанаси «Сумлак сайли» ташкил этилди. Фестиваль давомида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам эътибордан четда қолмади. Шу мақсадда ҳудуддаги ҳарбий қисм томонидан қурол-аслаҳалар кўргазмаси, аскарларнинг кўл жанги чиқишлари намойиш этилди. Ҳарбий оркестрнинг чиқиши тадбир иштирокчиларига хушқайфият бағишлади.

Фестиваль давомида «Баҳор таровати» расмлар кўргазмаси, китоб ярмаркаси ташкил этилди. Чиллак, арқон тортиш, варрак сайли каби халқ ўйинларида ёшлар катта иштиёқ билан қатнашди.

«Баҳор таровати» фестивали доирасида ташкил этилган тадбирлар ҳудудга кўркамлик, одамлар дилда хушнудлик, хушқайфият, ободлик олиб кирди.

«Баҳор таровати» фестивали вилоятнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтди.  
Т.БЕКНАЗАРОВ,  
Ўза муҳбири.

## «Трастбанк» янги бинода...

Юртимизда Наврўз шукуҳи бошланган шу кунларда «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки Термиз филиали янги бинода иш бошлади.



Замонавий ва миллий архитектура андозалари асосида барпо этилган янги бинонинг очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари, молия муассасалари раҳбарлари, нурунийлар, тадбиркорлар ҳамда банк мижозлари иштирок этди.

Тадбирда «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки бошқаруви раиси С. Нормухаммадиев ва бошқалар сўнги йилларда мамлакатимизда молия-банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар юртимиз ободлиги ва халқимиз тўқинлиги учун хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам банк тизимини янада ривожлантириб, филиаллар тармоғини кенгайтириш, жорий йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилишини таъминлаш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб берилгани қайд этилди.

Вилоятда ўн бир йилдан буён фаолият юритиб келаётган «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки Термиз филиали ўтган йилларда мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб, уларнинг ишончини қозонди. Қулай кредит маблағлари билан қўллаб тадбиркорлик субъектларининг молиявий ривожланишига яқиндан қўмақлашди. Уч қаватли кенг, шинам ва кўркам бинода банкни мижозлар билан янада яқинроқ қилиш, уларга тезкор, самарали хизмат кўрсатиш учун барча замонавий шароит яратилган.

– Мижозларнинг нақд пул муомаласи билан боғлиқ ишлар, хоридан жўнатилган маблағни олиш, валюта айирбошлаш, пластик карта очириш каби хизматларимиздан фойдаланиши учун биринчи қаватда етарли шароит мавжуд, – дейди «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки Термиз филиали раҳбари Ж. Раҳматов Ўза муҳбири Х. Маматрайимовга. – Бу ерда уларга тезкор хизматлар кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилди. Кенг, шинам хоналар зарур ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланди.

Айни пайтда мазкур банкнинг Сурхондарё вилояти туманларида олтин банк хизматлари маркази фаолият юритмоқда. Жорий йил якунида бошқа туманларда ҳам худди шундай марказлар ташкил этилиб, мижозларга банк хизматлари кўрсатиш кўлими янада кенгайди. Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари учун мўлжалланган кредитлар ҳажми оширилади. Бу воҳанинг иқтисодий ривожланиши, янги иш ўринлари яратилишида муҳим аҳамият касб этади.

Тантанали тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов сўзга чиқди.

## «Атроф-муҳит ҳимоясига барчамиз масъул!»

Халқимиз азалдан бунёдкор ва манзилларни обод қилишга ғайратли. Айниқса, ўлкамизга баҳорнинг ташриф буюриши биланқи барча масканларни кўркамлаштиришга, янги кўчат навларини экиб, дарахтларга шакл беришга киришиб кетади. Ариқ ва зовурлар тозаланиб, боғ ва хиёбонлар тартибга келтирилади. Бир сўз билан айтган халқимизнинг ушбу азалий қадриятлари умумхалқ хайрия ҳашарлари, кўчат экиш тадбирларида мужассам бўлади.

«Ўзкимёсанот» акциядорлик жамияти томонидан тизимидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда уларга таш худудларда «Атроф-муҳит ҳимоясига барчамиз масъул!» шиори остида кўкамзорлаштириш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад корхона-ташкilotлар жойлашган ҳудуд экологик ҳолатини янада яхшилашга қўмақлаштириш ҳамда атроф-муҳитни манзарали дарахтлар билан бойитиш ҳисобланади. Лойиҳа доирасида «Ўзкимёсанот» АЖ тизимидаги тармоқ корхона ва ташкilotлар томонидан дархат ва манзарали кўчатлар экиш белгиланган. Илк кўчат экиш тадбири жорий йилнинг 1 март кунини Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида жойлашган «Атмос-Махат» АЖда ўтказилди. «Атмос-Махат»

АЖ томонидан лойиҳа давомида 8 минг 50 та дарахт ва 36 мингта манзарали кўчатлар ҳамда гуллар экилади.

Бугунги кунда «Ўзкимёсанот» акциядорлик жамияти таркибида 16 та йирик ва ўрта кимёвий корхоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар томонидан жами 180 тадан ортик номдаги кимёвий маҳсулотлар, шу жумладан, 90 га яқин турдаги янги, маҳаллий ва хорижий истеъмолчилар томонидан талаб этилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ташкилот томонидан мамлакатимиз кимё санаятини янада ислоҳ қилишга қаратилган барча лойиҳаларнинг асосий мақсади, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш орқали, энергия ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни ифлослантирилишини олдини олишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2030 йилгача бўлган даврда ўзбекистон республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзкимёсанот» АЖ тармоқ корхоналарида 2020-2022 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш» бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Кўмитаси билан келишилди. Унга кўра, тармоқ корхоналарида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаалардан намуналар олиш ва таҳлил қилиш, шунингдек, уларга тўташ худудларда стационар автоматик кузатиш постлари билан босқичма-босқич жиҳозлаш, сув тозалаш иншоотларини ва технология жараёнларини реконструкция ҳамда модернизация қилиш ишларини олиб бориш натижасида атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли ташланмалар, суоқ ва қаттиқ чиқиндиларни 20 фоизга камайитириш кўзда тутилган. Лойиҳа доирасида ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан 60 мингдан ортик дарахтлар ва 80 мингдан ортик манзарали кўчатлар ҳамда гуллар экилиши режалаштирилган.

Ўз муҳбиримиз.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Андижон вилояти ҳокимлиги

#### «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

### ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

1. Андижон туманидаги ногиронлиги бўлган шахслар учун «Мурувват» Бўтақора эркалар интернат-уйи биносини қуриш ва реконструкция қилиш.

**Объектнинг бошланғич нархи** – 12 028 959 701 сўм ҚҚС билан; 10 459 964 957 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 540 кун.

2. Избоскан туманидаги ногиронлиги бўлган шахслар учун «Мурувват» Чувама аёллар интернат-уйи биносини қуриш ва реконструкция қилиш.

**Объектнинг бошланғич нархи** – 14 213 588 538 сўм ҚҚС билан; 12 359 642 207 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 540 кун.

3. Андижон шаҳридаги «Вилоят ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази»га 100 ётоқ ўринли даволаш корпуси биноси қурилиши.

**Объектнинг бошланғич нархи** – 14 813 741 304 сўм ҚҚС билан; 12 881 514 177 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 330 кун.

4. Андижон вилояти ИИБ 75 ўринли реабилитация маркази биносини реконструкция қилиш.

**Объектнинг бошланғич нархи** – 2 761 115 910 сўм ҚҚС билан; 2 400 970 357 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 260 кун.

5. Қўрғонтепа тумани ИИБ худудида вақтинчалик сақлаш (изоляция) биноси қурилиши.

**Объектнинг бошланғич нархи** – 2 239 867 362 сўм ҚҚС билан; 1 947 710 750 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 240 кун.

6. Андижон шаҳридаги «Вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази» қурилиши (200 ўринли даволаш бўлими қурилиши).

**Объектнинг бошланғич нархи** – 20 263 722 125 сўм ҚҚС билан; 17 620 627 935 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 420 кун.

7. Қўрғонтепа тумани Тиббиёт бирлашмаси биноларини реконструкция қилиш (IV-босқич).

**Объектнинг бошланғич нархи** – 10 980 058 150 сўм ҚҚС билан; 9 547 876 652 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 420 кун.

8. Хўжаобод тумани Тиббиёт бирлашмаси (55 ётоқ ўринли туғруқ комплекси қурилиши).

**Объектнинг бошланғич нархи** – 6 955 365 817 сўм ҚҚС билан; 6 048 144 189 сўм ҚҚСсиз.

9. Марҳамат тумани Тиббиёт бирлашмаси (70 ётоқ ўринли терапия бўлими қурилиши) (оптимизация).

**Объектнинг бошланғич нархи** – 15 068 671 111 сўм ҚҚС билан; 13 103 192 270 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 240 кун.

10. Улуғнор туманидаги ДСЭНМ янги биноси қурилиши.

**Объектнинг бошланғич нархи** – 2 773 955 926 сўм ҚҚС билан; 2 412 135 588 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 270 кун.

11. Хонабод шаҳридаги 1-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш (оптимизация).

**Объектнинг бошланғич нархи** – 5 737 078 788 сўм ҚҚС билан; 4 988 764 163 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 330 кун.

**Буюртмачи:** Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзил: Андижон шаҳар, Навоий кўчаси, 45-уй. Тел.: (74) 223-61-08, 223-08-28.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Андижон вилоятининг Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Андижон шаҳри, А. Навоий шоҳқўчаси, 30-уй. Тел./факс: 74-223-57-05.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Тендер таклифлари очилиши [daxard.uz](http://daxard.uz) махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Андижон шаҳар, Навоий кўчаси, 45-уй (буюртмачи биноси).

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Жиззах вилояти ҳокимлиги

#### «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

### 2020 йилги Манзилли дастурга киритилган қуйидаги объектлар бўйича

### ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т.р.	Объект номи	Бошланғич қиймат, млн сўм ҚҚС билан	Ишларни тугаллаш муддати
1.	Жиззах вилояти «Баркамол авлод» болалар маркази қурилиши (150 ўринли ўқув блоки қурилиши)	4 633 924 646	2020 йил 25 августгача
2.	Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, «Олтинкўл» МФИда 540 ўринли мактаб қурилиши (12x24 метр ҳажмдаги спорт зали)	7 439 398 515	2020 йил 25 августгача
3.	Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, «Олмазор» МФИда 420 ўринли мактаб қурилиши (12x24 метр ҳажмдаги спорт зали)	6 884 556 936	2020 йил 25 августгача
4.	Жиззах шаҳри, Бобур маҳалласидаги 32-сонли ёрдамчи мактаб-интернатни реконструкция қилиш (150 ўринли ётоқхона қурилиши)	4 185 316 559	2020 йил 25 августгача
5.	Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, «Қаҳрамон» МФИдаги 11-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (180 ўринли ўқув блоки қурилиши)	1 512 835 191	2020 йил 25 августгача
6.	Жиззах шаҳри, Зилол маҳалласидаги 29-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (360 ўринли ўқув блоки қурилиши)	2 964 239 268	2020 йил 25 августгача
7.	Жиззах вилояти, Галлаорол туманидаги «Мирзабулоқ» ҚФИдаги 20-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш	2 079 928 171	2020 йил 25 августгача
8.	Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани «Яхтанлик» МФИдаги 6-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (240 ўринли ўқув блоки қурилиши)	2 245 684 241	2020 йил 25 августгача
9.	Жиззах вилояти, Зомин тумани, «Дуоба» ҚФИдаги 8-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш (420 ўринли мавжуд биноси мукаммал таъмирлаш)	2 877 244 699	2020 йил 25 августгача
10.	Жиззах вилояти, Галлаорол тумани, «Молтоб» ҚФЙ, Молтоб қишлоғидаги 47-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш (464 ўринли мавжуд биноси мукаммал таъмирлаш)	2 316 629 538	2020 йил 25 августгача
11.	Жиззах вилояти, Зомин тумани, «Пишагар» ҚФИдаги 5-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (210 ўринли филиал қурилиши)	2 301 372 670	2020 йил 25 августгача
12.	Жиззах вилояти, Галлаорол тумани, «Губдин» ҚФЙ 15-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш (422 ўринли мавжуд биноси мукаммал таъмирлаш)	2 335 631 472	2020 йил 25 августгача
14.	Жиззах вилояти, Зомин тумани ТТБ Даштбод бўлимини реконструкция қилиш (ёрдамчи бинолар қурилиши)	4 000 033 319	2020 йил 25 ноябргача
15.	Жиззах вилояти, Зомин тумани ТТБни реконструкция қилиш (150 қатновли КТМП ва 50 койкали болалар бўлими)	7 953 786 183	2020 йил 25 ноябргача
16.	Жиззах вилояти, Арнасой тумани ТТБни (20 ўринли юқумли касалликлар бўлими қурилиши)	2 880 851 492	2020 йил 25 ноябргача
17.	Жиззах вилояти, Фориш туманида 2 қаватли ДСЭНМ асосий биноси ва вакциналарни сақлаш омборхонаси қурилиши	2 999 725 050	2020 йил 25 ноябргача
18.	Жиззах шаҳридаги 100 ўринли ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш вилоят маркази биносини реконструкция қилиш	20 418 546 403	2021 йил 31 декабргача
19.	Жиззах шаҳрида «Республика шошилиқ тиббий ёрдам» илмий маркази Жиззах филиалини реконструкция қилиш (2 қаватли бино қурилишини якунлаш, 250 койкали мавжуд биноларини реконструкция қилиш, «Тез ёрдам» бўлими қурилишини бошлаш 2-босқич)	42 714 442 365	2021 йил 31 декабргача
20.	Жиззах вилояти, Галлаорол туманида 100,0 минг ўлчов сақлашга мўлжалланган янги давлат архиви биноси қурилиши	3 879 263 490	2020 йил 31 декабргача
21.	Жиззах вилояти, Зомин тумани, Даштбод шаҳарчаси «Улуғбек» МФИда ёнғин ҳавфсизлиги депоси бино ва иншоотлари қурилиши	6 520 303 872	2020 йил 20 октябргача
22.	Жиззах шаҳрида Ш. Рашидов номидаги маълумотлар ва кутубхона маркази биносини реконструкция қилишда марказ худудида қўшимча бино қурилиши	9 260 515 030	2020 йил 31 декабргача

**Буюртмачи:** Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 100-уй. Тел./факс: 72-222-41-26.

**Молиялаштириш манбаи:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакага эга бўлган мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчилар тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Жиззах вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин: Жиззах шаҳри, И. Каримов кўчаси, «MedStar» клиникаси ёнидаги бино. Тел.: 72-226-14-66.

**Электрон манзил:** [jiztender@mail.ru](mailto:jiztender@mail.ru)

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича [daxard.uz](http://daxard.uz) махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

Таклиф (оферта)лар очилиши [daxard.uz](http://daxard.uz) махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри, И. Каримов кўчаси, «MedStar» клиникаси ёнидаги бино.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Андижон вилояти ҳокимлиги

#### «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Балиқчи тумани «Олимбек» ҚФИдаги мактаб (спорт зал қурилиши).

**Объектнинг бошланғич нархи** – 916 913 146 сўм ҚҚС билан.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 120 кун.

**Буюртмачи:** Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Андижон шаҳар, Навоий кўчаси, 45-уй. Тел.: (74) 223-61-08, 223-08-28.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим:** иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва**

танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Андижон вилоятининг Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон шаҳри, А. Навоий шоҳқўчаси, 30-уй. Тел./факс: 74-223-57-05.

Тасдиқланган танлов ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

**Танлов таклифлари очилиши** [daxard.uz](http://daxard.uz) махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Андижон шаҳар, Н. Охунов кўчаси, 35-уй (буюртмачи биноси).

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Қашқадарё вилояти «Сув қурилиш инвест» давлат унитар корхонаси

### ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

№	Иншоотлар номи	Бошланғич қиймат, ҚҚС билан	Муддати (ой)
1.	Деҳқонбод туманидаги Деҳқонбод сел сув омборининг фойдали ҳажмини 20,0 млн м³ га ошириш	29 587 736,453	30 ой
2.	Шахрисабз туманидаги Танхоз дарёси остидан ўтган «Сандал» канали дюкерини сел-тошқин сувларидан ҳимоялаш	2 135 194,115	5 ой
3.	Косон туманидаги «Узунқудуқ» коллектори тизимидаги коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш	2 726 359 433	8 ой
4.	Нишон туманидаги «Миришкор», «Ширинобод Зилол суви», «Каптарли» ва «Учмулла» СИУлар худудида «1-К-1» ва «ЮВ-5-А» коллектори тизимидаги коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш	2 024 838 486	8 ой
5.	Касби туманидаги «Муғлон оби-ҳаёт», «Ирмоқ жилғаси-тош шабнами» ва «Назартепа сувчи» СИУ лар худудида «ЮК-6», «33-К-1», «БК» коллектори тизимидаги коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш	2 569 262 391	18 ой
